

ТИББИЁТ ХОДИМИНИНГ ҚОНУНИЙ ТИББИЙ ФАОЛИЯТИГА ТҮСҚИНЛИК ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШИ ТҮФРИСИДА

Шу билан бирга, охирги пайтларда bemорлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бу жараёнда тиббиёт ходимларини bemорларнинг соғлиғи ёмонлашишида ёки ўлимида асоссиз равишда айблаш, шунингдек ҳеч бир сабабсиз шифокорларга ва ўрта тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳоллари юз бермоқда.

Бироқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги амалдаги кодексида хизмат вазифаларини бажараётган тиббиёт ходимларига нисбатан қонунга хилоф равишда турли шаклларда таъсир ўтказганлик, шунингдек тиббиёт ходимларининг тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қонуний тиббий фаолиятига түсқинлик қилганлик учун түғридан-түғри маъмурий жавобгарлик белгиланмаган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодекси тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига түсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиловчи янги модда билан тўлдирилмоқда.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва уларнинг касбий фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олишга, шифокорлик касбининг мақоми ҳамда нуфузини оширишга, фуқароларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодексининг 197⁷-моддасида тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига түсқинлик қилиш яъни тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига түсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказишида – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқقا олишга сабаб бўлиши түғрисидаги

ўзгартеришлар киритилди.

Жиноят ишлари бўйича Олтинсой

туман судининг архивариуси

Б.Жумаев